

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАЕВА РАЪНО ҒАЙРАТОВНА**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЙИРИНГЛИ-ЯЛЛИҒЛАНИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ  
МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАҒА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шаева Раъно Ғайратовна**

Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс  
даволашни мақбуллаштириш ..... 3

**Шаева Рано Ғайратовна**

Оптимизация комплексного лечения гнойно-воспалительных заболеваний  
челюстно-лицевой области ..... 21

**Shaeva Ra'no Gayratovna**

Optimization of complex treatment of purulent-inflammatory diseases of the  
maxillofacial region ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАЕВА РАЪНО ҒАЙРАТОВНА**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЙИРИНГЛИ-ЯЛЛИҒЛАНИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ  
МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАҒА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2514 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига ([www.tsd.uz](http://www.tsd.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Шомуродов Кахрамон Эркинович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Суръат Саидвалиевич Гулямов**  
тиббиёт фанлари доктори

**Шалабаева Клара Зулхарнаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Қозоғистон Республикаси)

**Етакчи ташкилот**

**Кубан давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc..04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро ш, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро ш., А.Навоий шоҳ кўчаси, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н.Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги йилларда одонтоген ва ноодонтоген юз-жағ соҳасида йирингли-яллиғланиш жараёнларини сезиларли даражада ошиб бориши ҳамда уларни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоси замонавий стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб, касалликнинг клиник кечишини оғирлашиши ҳамда қайталаниши ортисини инobatга олган ҳолда дунё миқёсида юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва даволаш натижаларини прогнозлаш иммунопатогенетик жиҳатларини аниқлаш бўйича даволашнинг янги ёндашувлари ишлаб чиқилмоқда. Шу муносабат билан «...юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларини даволаш ва олдини олишнинг турли усулларини қиёсий баҳолаш амалга оширилмоқда»<sup>1</sup>. Даволашни режалаштиришда антибиотикларни микрофлоранинг сезгирлигини аниқлаш асосида танлаш зарурлигини билдиради.

Бугунги кунда дунёда кўплаб илмий тадқиқотлар юз-жағ соҳаларининг йирингли-яллиғланиш касалликларининг ривожланишига бағишланган. Касалликнинг мавжуд даволаш алгоритмлари асосида ҳам даволаш самарадорлиги кўрсаткичларининг пасайиши микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамлилиги, уларнинг микробга қарши дори воситаларига чидамлилиги ошиши, бемор иммун тизими фаолияти пасайиши билан тушунтирилади. Шу сабабли, ҳозирги вақтда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш жарроҳлик стоматологиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланиб, бунда жарроҳлик аралашувларининг самарали усулини танлаш, йирингли яллиғланиш жараёнларининг патофизиологик хусусиятларидан келиб чиқиб, танланган комплекс даво тактикаси соҳада, яллиғланиш жараёнларининг кечиш фазалари, шунингдек микробга қарши дори воситаларини тезкор ва аниқ танлаш, ҳамда инфекция индикациясини инobatга олиш керак бўлади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларидан юз-жағ соҳасида юмшоқ тўқималари йирингли яллиғланиши жараёнларининг ҳаёт учун хавfli бўлган соҳаларига тарқалиши, суяк тўқималарининг турли даражада зарарланиш ҳолатлари, юз-жағ скелетидаги турли шакл бузилишларини камайтириш, шунингдек ушбу патология билан оғриган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «... аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги, қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, юқори технологик ташхислаш ва даволаш усулларини татбиқ этиш йўли билан соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини қўллаб-қувватлаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу

<sup>1</sup> Бернадский Ю.И. Основы челюстно-лицевой хирургии и хирургической стоматологии. - М. - 2020. - С.122-123.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5590-сон Фармони

вазифалар замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликлар асоратларини ташхислаш ва даволаш, юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш каби устувор йўналишларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПФ-3071-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 10 майдаги ПФ-5274-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича танқидий ўрганишни ташкил этиш ва таклифлар тайёрлаш тўғрисида» ги Фармони билан тасдиқланган вазифаларни бажариш, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, касалликни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш учун кўшимча антибактериал препаратни танлашни оқилона асослаш, операциядан кейинги жароҳат соҳасида маҳаллий таъсирни ошириш, организм интоксикациясида адаптацион механизмлар, яллиғланиш ва микробга қарши, жароҳат регенерациясини тезлаштирувчи ва зарарсизлантирувчи таъсирга эга бўлган ва ўзига хос омиллардан фойдаланган ҳолда юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликларини даволаш концепциясини янада ривожлантириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Одонтоген яллиғланиш касалликларини юзага келишида пиоген аэроб ва факультатив анаэроб микрофлора: стафилаккоклар 15%, стрептококклар 6% ва облигат анаэроб бактериялар 79% ҳолларда асосий роль ўйнайди. Одонтоген яллиғланиш ўчоғи микрофлорасининг бундай таркиби кўплаб микробиологик тадқиқотларда тасдиқланган (Романова В.Л., 2014; Казаков Р.Д., 2015). Юз-жағ соҳаси одонтоген яллиғланиш касалликлари махсус клиник кўринишлар билан тавсифланади ва оғир оқибатларга олиб келади. Оғир интоксикация ва гипертермия билан кечадиган ўткир инфекциялар умумий организм фаолиятига ноҳуя таъсир қилишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш муҳимки, маҳаллий тўқималарга фотохимёвий таъсир кўрсатиб, даволаш яллиғланишни камайтириши, микробларга қарши таъсирни кучайтириши, регенерацияни рағбатлантириши, жараённи барқарорлаштириши, юз-жағ соҳалари йирингли яллиғланиш жараёнларини даволашда қўлланилиши муаммонинг оптимал ечими сифатида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олишда долзарб масалалардан бири бўлиб, муаммолар изланишини янада чуқурлаштиришни талаб қилади.

Шу муносабати билан фотодинамик лазер терапияни юз-жағ соҳасининг йирингли яллиғланиш касалликларини маҳаллий қўлланилиши комплекс даволашнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш тадқиқотни ўтказиш учун асос бўлган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини полиэтилен гликол асосидаги малҳамни фотодинамик лазер терапиянинг оптимал схемасини қўллаш ёрдамида комплекс даволашни мақбуллаштиришдан иборат бўлган.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

йирингли-яллиғланиш касалликлар билан бўлган беморларда анъанавий жарроҳлик усули билан даволашнинг қониқарсиз натижалари ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш жараёнларини даволаш полиэтилен гликол асосидаги «Офломелид» малҳами қўлланилиши самарадорлигини микроб пейзажи ва оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омиллари таҳлиллари асосида асослаш;

юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволашда фотодинамик лазер терапияни маҳаллий қўллаш самарадорлигида цитокинлар ҳолатини баҳолаш ва яра битиши босқичларини цитологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш;

юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашда лазер фотодинамик терапия ва полиэтилен гликол асосидаги «Офломелид» малҳамини комплекс қўллашнинг мақбул схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббий марказнинг юз-жағ жарроҳлик бўлимида 2019-2020 йилларда юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиши (абсцесс ва флегмоналар) билан ётиб даволанган 150 нафар бемор ташкил қилган.

**Тадқиқот предмети** сифатида оғиз бўшлиғи суяқлиги, қон зардоби, сўлак ва стоматологик кўрсаткичларни аниқлаш учун гигиена воситалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий-тадқиқот ишини бажаришда клиник, рентгенологик, микробиологик, биокимёвий ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқот илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ретроспектив таҳлил натижасида стационар даволанган беморлар юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг одонтоген этиологияси 4,8% га, ноодонтоген этиологияси 2,3% га кўпайгани аниқланган;

илк бор фотодинамик лазер терапия полиэтилен гликол асосидаги «Офломелид» малҳамини биргаликда юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнларида йирингли бўшлиқ очилгандан кейинги жароҳат атрофи тўқималарига маҳаллий қўллаш орқали ижобий натижалар олинди ва антибиотикка чидамли, жароҳат юзасининг микробли ифлосланишини камайтиришга ва репаратив жараёнларга ижобий таъсирига эришилган;

биокимёвий ва иммунологик тадқиқот таҳлиллари асосида одонтоген флегмонани комплекс даволашда фотодинамик лазер терапия ва полиэтилен гликол асосидаги «Офломелид» малҳами билан биргаликда қўллаш анъанавий терапиянинг яллиғланиш жараёнларини тез регрессияси, экссудация вақтини қисқартириш ва юмшоқ тўқималарда репаратив жараёнларини кучайтириши исботланган;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари йирингли-яллиғланиш жараёнларини комплекс даволаш таркибига полиэтилен гликол асосли «Офломелид» малҳами ва фотодинамик лазер терапия ёрдамида юмшоқ тўқима киритиш орқали даволаш самарадорлиги анъанавий даволашга нисбатан 30% га ошиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳаси одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликлари билан касалланган беморларни комплекс даволашда фотодинамик лазер терапияси ва полиэтилен гликол асосидаги малҳамни биргаликда қўллаш усули тавсия этилган;

юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволашга тадбиқ қилинган даволаш алгоритми юмшоқ тўқималарнинг тикланиш даврини қисқартириб, яраларнинг эстетик чандиқланиши ва беморларни шифохонада даволаниш муддатларини 4 кунга қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мослиги, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, беморлар сонининг етарлилиги, тиббий ва статистик материалларнинг клиник, биокимёвий усуллар билан асосланганлиги, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижалар хулосаларини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш жараёнларини даволаш босқичларида олинган клиник-лаборатор таҳлиллар юмшоқ тўқималар яллиғланиши чуқур анатомик соҳаларга тарқалиш асоратларини олдини олишга қаратилган даволаш алгоритми даволаш самарадорлигини мақбуллаштириш имконини бериши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнларини даволашда ишлаб чиқилган усул жарроҳ стоматологлар ва юз-жағ жарроҳлари томонидан стационар ҳамда амбулатор шароитида ҳам операциядан кейинги жароҳатларни қайта боғлаш вақтида

қўлланилиши мумкинлиги, даволаниш муддатини қисқартириши ва иқтисодий самарадорлиги мавжудлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс даволашни мақбуллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликлари мавжуд бўлган беморларни оптимал даволашга қаратилган «Офломелид малҳамининг юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда антимикроб фаоллиги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 апрелдаги 8н-д/345-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома юз-жағ жарроҳлигида йирингли яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда самарадорликка эришиш, беморларни шифохонада даволаниш муддатларини қисқартиришга ёрдам берган;

йирингли-яллиғланиш касалликларини олдини олишнинг терапевтик ва диагностика усулларини ишлаб чиқишга қаратилган «Юз-жағ соҳасининг одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда лазерли фотодинамик терапия усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 апрелдаги 8н-д/346-сон хулосаси). Ушбу услубий тавсиянома юз-жағ соҳасидаги яллиғланиш жараёнларини комплекс даволашда лазер фотодинамик терапиядан самарали фойдаланишга имкон берган;

илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент Давлат стоматология институти клиникаси юз-жағ жарроҳлиги бўлими фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 8н-з/398-сон хулосаси). Натижаларнинг жорий этилиши одонтоген йирингли-яллиғланиш касалликарида ихтисослашган стоматологик ёрдам даражасини ошириш, улар даволаниш муддатини қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 6 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсад ҳамда вазифалари, объекти, предмети, усуллари, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий ахамияти, жорий қилиниши, диссертациянинг хажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳаси яллиғланиш жараёнларини этиопатогенези ва кечишининг ўзига хослиги**» деб номланган биринчи бобида юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларининг патогенетик жиҳатлари муаммолари бўйича мавжуд илмий маълумотларни кўриб чиқишга бағишланган, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган, шунингдек юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш касалликларида олиб борилган охириги йиллардаги илмий иш натижаларига асосланган маълумотларда абсцесс ва флегмоналарнинг умумий учраш кўлами ортиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс даволашни мақбуллаштириш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти хусусиятлари, клиник, рентгенологик, микробиологик, иммунологик, биокимёвий, статистик тадқиқот усуллари ва вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган услубий ёндашувлар келтирилган.

Тадқиқот объекти бўлиб 18 ёшдан 72 ёшгача бўлган юз-жағ соҳаси одонтоген йирингли-яллиғланишлари бўлган 1125 нафар бемор олинди.

Жами 150 нафар турли жинс ва ёшдаги беморларга жарроҳлик стоматологик ёрдами кўрсатилиб, барча беморларга шошилиш жарроҳлик амалиётлари бажарилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Беморларнинг жинси ва ёшига қараб тақсимланиши

| Ёши   | Эркаklar |      | Аёллар |      | Жами |      |
|-------|----------|------|--------|------|------|------|
|       | мут      | %    | мут    | %    | мут  | %    |
| 18-44 | 57       | 65,7 | 40     | 63,5 | 97   | 64,6 |
| 45-59 | 18       | 20,7 | 15     | 23,8 | 33   | 21,9 |
| 60-72 | 12       | 13,6 | 8      | 12,7 | 20   | 13,5 |
| Жами  | 87       | 100  | 63     | 100  | 150  | 100  |

Оғиз бўшлиғи аъзолари тўқималарининг ҳолатини ўрганиш ва олинган маълумотларни қайд қилиш учун ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган «Стоматологик ҳолатга баҳо бериш» картага ёзиб борилган.

Беморларда юз-жағ соҳалари йирингли-яллиғланиш касалликлари аниқланган муддатдан шифохонага мурожаат қилиш муддатлари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг аксарият қисми касаллик бошланганидан 5-7-кунда авж олиши одонтоген яллиғланиш жараёнларини фаол кечишидан дарак берган. Йирингли-яллиғланиш жараёнининг атроф анатомик соҳаларга

тарқалиш локализацияларини ўрганиш 45% беморларда йирингли жараён битта анатомик бўшлиқни, 35% ҳолатларда иккита ва 20% беморларда уч ва ундан ортиқ анатомик бўшлиқларни тарқалганлигини кўрсатган. Беморларда клиник-лаборатор теширув таҳлиллари беморлар умумий аҳволи йирингли жараёнларнинг жағ атрофи юмшоқ тўқималарга тарқалганлигига қараб оғир даражага мос келиши аниқланган.

Рентгенография яллиғланишга сабабчи бўлган тишни, локализациясини аниқлаш учун қўлланилган. Шу мақсадда, барча беморларга турли проекцияларда рентгенологик текширув ўтказилган: дентал рентген радиовизиограф PROX «XRAY SYSTEM» (Жанубий Корея). Радиовизиография усули беморлар оладиган нурланиш юкламаси энг кам миқдорда танланган.

Иммунологик тадқиқотлар қаттиқ фазали иммунофермент анализ (ИФА) усулига асосланган бўлиб, пероксидаза индикатор ферменти сифатида олинган, бунда яллиғланиш цитокинлари бўлган IL-1 $\alpha$ , IL-1 $\beta$ , IL-8, TNF- $\alpha$  ни миқдорий жихатдан аниқлаш учун «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) реагент мажмуасидан фойдаланилган.

Микробиологик тадқиқот усулларини ўтказиш учун биологик материал сифатида оғиз суюқлиги ва абсцесс, флегмоналарни очишда ажралган йиринг ажралмасидан суртма олинган. Ажратилган штаммларни аниқлаш морфологик, культурал ва биокимёвий хусусиятлар мажмуаси асосида амалга оширилган.

Одонтоген абсцесс ва флегмоналарда йирингли яллиғланиш ўчоғини жарроҳлик йўли билан очгандан сўнг яралардаги ўзгаришларни морфологик баҳолаш мақсадида даволашнинг 1-, 3- ва 5-кунларида яра юзасидан олинган суртмалардан препаратлар тайёрланган ва цитоморфологик хусусиятлар «Zeiss» микроскопи ёрдамида ўрганилган.

Даволаш чора тадбирларга қараб барча беморлар 3 та гуруҳга бўлинди:

1-гуруҳ - 50 бемордан иборат бўлиб, уларда йирингли ўчоқни очгандан сўнг маҳаллий даво, экссудатни эвакуация қилиш ва дренажлаш, антисептик эритмалар билан бўшлиқни 1:5000 нисбатдаги фурацилин эритмаси билан ювиш ва қайта боғлам муолажаларида лазерли фотодинамик терапия (ЛФТТ) қўллаш билан амалга оширилган.

2-гуруҳ - 50 бемордан иборат бўлиб, уларда йирингли ўчоқни очгандан сўнг маҳаллий даво, экссудатни эвакуация қилиш ва дренажлаш, антисептик эритмалар билан бўшлиқни ювиш ва қайта боғлам муолажаларида 5% хлорофилипт эритмаси билан ишлов берилиб, маҳаллий яллиғланиш ўчоғига «Офломелид» мазини боғлам сифатида қўлланилган;

3-гуруҳ - 50 бемордан иборат бўлиб, уларда йирингли бўшлиқ 5% хлорофилипт эритмаси билан ишлов берилиб соҳаси ювилгач, комплекс маҳаллий терапия фониди хар кунги қайта боғлам муолажари вақтида сувда эрийдиган полиэтиленгликол «Офломелид» малҳами, шунингдек маҳаллий фотодинамик лазерли терапия қўлланилган.

Тадқиқотлар натижалари анъанавий вариацион статистика усули билан

қайта ишланган. Маълумотлар Microsoft Office Excel 2010 дастурида Windows XP операцион тизими учун махсус тузилган жадвалларга ҳамда Stat Soft Statistica v 6.0 статистик дастурий пакетида киритилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларнинг стоматологик статуси ўрганиш натижалари» деб номланган учинчи бобида ушбу соҳа йирингли-яллиғланишлари билан оғриган беморларнинг стоматологик статуси ўрганиш натижалари таҳлил қилинган.

2019-2020 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимига 18-72 ёшгача бўлган 1125 нафар беморлар ётқизилган. Улардан 602 нафари (53,5%) эркаклар, 523 нафари (46,5%) аёллардир. Яшаш жойига кўра шифохонага ётқизилганлар қуйидагича тақсимланган: шаҳар аҳолисининг 552 нафари (49,1%), қишлоқ аҳолиси 573 нафарни (50,9%) ташкил қилган.

Беморларнинг йирингли-яллиғланиш этиологик шаклига қараб тақсимланиши таҳлил қилинган барча нозологик шакллар учун касалланишнинг барқарор ўсиши кузатилган. Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг асосий қисми эркак жинсига тўғри келади.

Юз-жағ жарроҳлиги бўлиmidан амбулатор назоратга беморлар яшаш жойидаги поликлиникаларига реабилитация курсларини давом эттиришлари учун йўлланма берилган.

Оғиз бўшлиғининг доимий микрофлораси организм ва микробларнинг ўзаро мослашуви туфайли шаклланади. Турли илмий тадқиқотлардан маълумки, одамларда оғиз бўшлиғининг нормал ва патоген микрофлораси ўртасидаги динамик мувозанат одатда сақланиб қолади. Аммо резидент микрофлоранинг компенсатор имкониятлари чекланган ва баъзи умумий соматик патологияларда уларнинг кескин пасайиши кузатилган.

Микроорганизмлар популяцияси зичлигини ўрганиш жараёнида беморларнинг барчасида граммусбат флора устунлик қилган. Соғломлар оғиз бўшлиғи микроорганизмлар популяцияси текширувида анаэроб стрептококклар - *S.salivarius*, *S.mutans*, *S.mitis*, *S.sanguis* - оғиз бўшлиғининг резидент микрофлорасининг ярмини ташкил этган (2-жадвал).

Граммусбат кокклар орасида стафилококклар катта қисмини эгаллаган, улар сони эса тил ва милк юзасида 3-5 мартага устунлик қилган. Лунж шиллик қавати юзасида анаэроблар устунлик қилган. Микроаэрофил стрептококклар (*S.salivarius*) асосан милкнинг шиллик қаватида ва тилнинг ён қисмида аниқланган. Оғиз бўшлиғининг турли қисmlарини колонизация қилиш бўйича ўрганилган бошқа микроорганизмлар, шу жумладан грамманфий бактериялар фақат тил юзасида топилган, *Escherichia coli* ва *Klebsiella spp* кўп миқдорда топилмаган. *Candida spp* томонидан колонизация фақат тил ва милк шиллик қаватида қайд этилган.

## 2-жадвал

Соғлом инсонлар оғиз бўшлиғининг турли соҳалари микробиоценози параметрлари ( $M \pm m$ , КХҚБ/см<sup>2</sup>)

| № | Микроорганизмлар гуруҳлари | Локализация |                |          |          |
|---|----------------------------|-------------|----------------|----------|----------|
|   |                            | милк        | бодомсимон без | тил      | танглай  |
| 1 | <i>S.salivarius</i>        | 4,18±0,4    | 1,53±0,3       | 2,83±0,1 | 1,22±0,1 |
| 2 | <i>S.mutans</i>            | 2,04±0,1    | 1,04±0,3       | 2,18±0,4 | 1,02±0,1 |
| 3 | <i>S.mitis</i>             | 3,22±0,2    | 1,19±0,2       | 2,03±0,3 | 1,31±0,3 |
| 4 | <i>Staphylococcus spp</i>  | 4,83±0,6    | 3,9±0,2        | 3,5±0,4  | 1,24±0,1 |
| 5 | <i>Escherichia coli</i>    | 0           | 0              | 1,2±0,1  | 0        |
| 6 | <i>Lactobacillus spp</i>   | 1,8±0,2     | 1,08±0,02      | 1,6±0,1  | 1,0±0,1  |
| 7 | <i>Klebsiella spp</i>      | 0           | 0              | 0        | 0        |
| 8 | <i>Candida spp</i>         | 2,07±0,2    | 0              | 3,11±0,2 | 0        |

Тадқиқот вазифаларини бажариш учун юз-жағ соҳасининг йирингли-яллиғланиш касалликларида (абсцесслар, флегмоналар) оғиз бўшлиғи микрофлорасининг миқдорий ва сифат ўзгаришларини (3-жадвал) ўрганиш катта аҳамиятга эга бўлган. Суртмалар оғиз шиллиқ қаватининг турли жойларидан олинган ва натижада микрофлоранинг жами 981 та аэроб ва 95 та анаэроб штаммлар ажратилган (улардан 899 таси граммусбат, 95 таси грамманфий, 82 таси *Candida spp*).

## 3-жадвал

Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда оғиз бўшлиғининг турли соҳалари микробиоценози параметрлари ( $M \pm m$ , КХҚБ/см<sup>2</sup>)

| № | Микроорганизмлар гуруҳлари | Локализация |           |           |           |
|---|----------------------------|-------------|-----------|-----------|-----------|
|   |                            | милк        | лунж      | тил       | танглай   |
| 1 | <i>S.salivarius</i>        | 2,32±0,30   | 1,08±0,20 | 1,9±0,1   | 0         |
| 2 | <i>S.mutans</i>            | 1,35±0,10   | 2,08±0,10 | 2,59±0,08 | 0         |
| 3 | <i>S.mitis</i>             | 2,12±0,09   | 1,38±0,10 | 1,41±0,11 | 1,12±0,10 |
| 4 | <i>Staphylococcus spp</i>  | 4,23±0,25   | 2,42±0,10 | 3,59±0,45 | 1,58±0,15 |
| 5 | <i>Escherichia coli</i>    | 2,23±0,10   | 1,42±0,10 | 2,12±0,10 | 0         |
| 6 | <i>Lactobacillus spp</i>   | 1,12±0,15   | 0         | 0,9±0,02  | 0         |
| 7 | <i>Klebsiella spp</i>      | 2,45±0,12   | 1,1±0,1   | 1,65±0,15 | 1,1±0,1   |
| 8 | <i>Candida spp</i>         | 4,45±0,35   | 3,42±0,27 | 2,55±0,2  | 3,15±0,15 |


Юз-жағ соҳаси флегмонаси бўлган беморларда оғиз микрофлорасининг миқдорий ва сифат таркибини таҳлил қилганда, *Klebsiella spp* миқдори ошиши ва ўрганилган биотопада микрофлоранинг бошқа вакилларига нисбатан улар сони сезиларли даражада кўпайгани аниқланган. *Klebsiella spp*

кўпроқ қисми милклар глаукоз мембранасида топилган ( $2,45 \pm 0,12$  lg КХҚБ/см<sup>2</sup>). Соғлом одамларда тил юзасида оз миқдорда учраган *Escherichia coli* абсцесс ва флегмоналар билан оғриган беморларда эса милк ва ёноқларда ҳам бир хилда кузатилган (ўртача  $2,23 \pm 0,10$  lg КХҚБ/см<sup>2</sup>).

Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда сўлак таркибидаги микроорганизмларнинг ҳам миқдорий, ҳам сифат таркибида сезиларли ўзгаришлар аниқланган. Биринчи навбатда аэроб ва анаэробларнинг умумий сони кўрсаткичларида  $7,82 \pm 0,28$  ва  $3,65 \pm 0,15$  lg КХҚБ/см<sup>2</sup> ўзгариши кузатилган. Учраш частотасига кўра етакчи ўринларни *Candida spp* (82%), *Staphylococcus aureus* (65%) ташкил қилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, микроорганизмлар орасида *Escherichia coli* ҳам аниқланган. Стрептококк флораси, вакиллари орасида *S.mutans* 45%, *S.salivarius* 35% ва *S.mitis* 17% га сезиларли камайган. Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнлари бўлган беморларда *Candida spp* ( $4,25 \pm 0,20$  lg КХҚБ/см<sup>2</sup>) меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ( $2,03 \pm 0,18$  lg КХҚБ/см<sup>2</sup>) даражада ошиши кузатилган.

Йирингли яллиғланиш жараёнларини медикаментоз даволашда кенг спектрли антибиотиклар қўлланилиши оғиз бўшлиғининг микрофлорасидаги миқдорий ва сифатли ўзгаришларни қисқа муддатларда ичида динамикадаги ижобий натижалар бериб, салбий реакциялар, асоратлар ва беморларнинг аллергиязация ҳодисасини ривожланишига йўл қўймайди.

Қонда ўткир фазали оқсиллар кўрсаткичлари меъёрга нисбатан барқарор ўсиши кузатилган (1-расм).



**1-расм. Юз-жағ соҳаси ўткир йирингли яллиғланиш жараёнлари бўлган беморлар оқсил кўрсаткичларининг ҳолати.**

Бунда С-реактив оқсил таркиби меъёрларидан 12 баравар ошган ва  $0,092 \pm 0,014$  г/л га тенглашган. Юз-жағ соҳаси яллиғланиш касалликларида α1-антитрипсин миқдори ўртача  $3,15 \pm 0,12$  г/л га тенг бўлиб, меъёрга нисбатан ( $1,52 \pm 0,06$  г/л) 2 бараварга ошган. Ўхшаш динамика α1-нордон гликопротеин таркиби 2,3 мартага ошиши билан  $2,17 \pm 0,15$  г/л ташкил қилган, меъёрда  $0,95 \pm 0,08$  г/л га тенг.

Диссертациянинг «Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш жараёнларида анъанавий ва комплекс даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида текширилган беморларнинг клиник-лаборатор ва жароҳатнинг битиши жараёни натижалари солиштирма баҳоланган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### Тадқиқот гуруҳларида йирингли яраларнинг битиши (кун)

| Даволаш усуллари      | Некротик тўқималарда н тозаланиш | Экссудат ажралиши яқунланиши |       | Инфилтрат резорбцияси | Грануляция н тўқима пайдо бўлиши | Эпителизация бошланиши |
|-----------------------|----------------------------------|------------------------------|-------|-----------------------|----------------------------------|------------------------|
|                       |                                  | йирингли                     | сероз |                       |                                  |                        |
| АТ + ЛФДТ             | 4                                | 4                            | 5-6   | 5-6                   | 5-6                              | 7                      |
| АТ + Офломелид        | 5-6                              | 5-6                          | 6-7   | 6-7                   | >7                               | >7                     |
| АТ + Офломелид + ЛФДТ | 2-3                              | 3                            | 4     | 4                     | 4                                | 5-6                    |

Беморлар жароҳатларидан ажралмалар камайиши ва умумий клиник натижалари 2-гуруҳдаги «Офломелид» малҳамдан фойдаланиб, боғламлар кўйилганда давонинг 3-куни яра некротик тўқималардан тозаланиши кузатилган, 4-куни йирингли ажралмалар кескин камайган ва тўқима грануляцияси аниқланган. Даволаш 5-6-кунларда инфилтратнинг тўлиқ сўрилиши кузатилиб, чандиқ ҳосил бўлиш жараёни бошланган. Даволашнинг юқори самарадорлиги анъанавий даво билан бир қаторда «Офломелид» малҳами ҳамда маҳаллий ЛФТД ни ўз ичига олган комплекс даволаш қўлланилган 3-гуруҳ беморларида кузатилган. Яраларни некротик массалардан тозалаш даволашнинг 2-куни, ЛФТД сеансларидан кейин кузатилган. Жароҳатда экссудациянинг кескин камайиши, грануляцион тўқималарни пайдо бўлиши 3-кунда, инфилтрат сўрилиши 5-6-кунларда кузатилган, жароҳатнинг битиши юмшоқ ва эстетик чандиқ билан кечган.

Юз-жағ йирингли-яллиғланиш жараёнларининг ўртача давомийлиги баҳоланган. Даволашда «Офломелид» малҳами ва ЛФТД фойдаланилган беморлар (2-расм) шифохонада ўртача 4-5 кун даволанишган ва бу кўрсаткич анъанавий терапия олган беморларга нисбатан 3-4 кунга кам бўлгани кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари, маҳаллий ЛФТД комплекс даволаш схемасига киритилиши ярада битиш ва тўқималарда қайта тикланиш жараёнларини фаоллаштирган ва жароҳатни йирингли ажралмалардан тозаланиши, грануляцион тўқималар шаклланишига ёрдам берган, жароҳатни эрта битишига имкон берган, бемор реабилитациясини тезлаштирган.



**2-расм. Дахан ости соҳаси флегмонаси очилгандан кейин жароҳатга лазер фотодинамик терапияни қўллаш**

Келтирилган 5-жадвалда микробиологик тадқиқот натижалари акс эттирилган бўлиб, унда даволаш усуллари кесимида микроорганизмлар сонининг ижобий ўзгаришлари кўрсатилган. *Lactobacillus spp* таркибининг 3-гуруҳи  $4,92 \pm 0,12$  lg КХҚБ/мл га, анаэроб микрофлора вакилларининг  $6,20 \pm 0,11$  lg КХҚБ/мл га меъёр даражасини ташкил этган. Стафилококклар ва стрептококклар патоген штамлари элиминацияси кузатилиб, *S.salivarius* сони  $4,57 \pm 0,11$  lg КХҚБ/мл, *S.mutans*  $2,20 \pm 0,12$  lg КХҚБ/мл микдорида сезиларли даражада пасайганлиги кўринган.

#### 5-жадвал


#### Комплекс даволанишда беморларда оғиз суюқлиги микрофлораси ҳолати ( $M \pm m$ , lg КХҚБ/мл)

| №  | Микроорганизм гуруҳлари       | 1 мл сўлакдаги микроблар сони |                 |                       |
|----|-------------------------------|-------------------------------|-----------------|-----------------------|
|    |                               | Назорат гуруҳи                | Беморлар        |                       |
|    |                               |                               | ТТ + Офломелид  | ТТ + Офломелид + ЛФДТ |
| 1  | <i>Lactobacillus spp</i>      | $4,55 \pm 0,11$               | $2,05 \pm 0,12$ | $4,92 \pm 0,12^*$     |
| 2  | <i>Peptostreptococcus spp</i> | $2,65 \pm 0,15$               | $3,70 \pm 0,15$ | $2,82 \pm 0,15^*$     |
| 3  | <i>S.aureus</i>               | 0                             | $2,20 \pm 0,10$ | 0                     |
| 4  | <i>S.epidermidis</i>          | $4,02 \pm 0,15$               | $3,92 \pm 0,15$ | $3,95 \pm 0,12^*$     |
| 5  | <i>S.salivarius</i>           | $4,21 \pm 0,15$               | $2,11 \pm 0,12$ | $4,57 \pm 0,11^*$     |
| 6  | <i>S.mutans</i>               | $2,07 \pm 0,10$               | $4,05 \pm 0,15$ | $2,20 \pm 0,12^*$     |
| 7  | <i>S.mitis</i>                | $2,52 \pm 0,11$               | $3,90 \pm 0,12$ | $2,65 \pm 0,15^*$     |
| 8  | <i>Escherichia coli</i>       | $0,74 \pm 0,01$               | $2,05 \pm 0,12$ | 0                     |
| 9  | <i>Proteus spp</i>            | $0,21 \pm 0,01$               | $1,52 \pm 0,15$ | $0,12 \pm 0,01^*$     |
| 10 | <i>Klebsiella spp</i>         | $0,82 \pm 0,02$               | $1,65 \pm 0,11$ | $1,0 \pm 0,01^*$      |
| 11 | <i>Veillonella spp</i>        | $2,32 \pm 0,10$               | $3,28 \pm 0,12$ | $2,10 \pm 0,12^*$     |
| 12 | <i>Candida spp</i>            | $2,03 \pm 0,18$               | $3,21 \pm 0,12$ | $1,82 \pm 0,08^*$     |
| 13 | Аэроблар сони                 | $5,25 \pm 0,12$               | $6,92 \pm 0,15$ | $5,32 \pm 0,12^*$     |
| 14 | Анаэроблар сони               | $5,61 \pm 0,14$               | $4,27 \pm 0,11$ | $6,20 \pm 0,11^*$     |

Изоҳ: \* - фарқлар аҳамияти назорат гуруҳига нисбатан ( $p < 0,05$ ).

Шундай қилиб, юз-жағ соҳаси абсцесс ва флегмоналари бўлган беморларни комплекс даволаш унинг юқори самарадорлигини кўрсатган ва оғиз бўшлиғи микрофлорасини нормаллаштирган.

3-расм маълумотларига кўра, тадқиқотдаги оғиз бўшлиғида юз-жағ соҳаси йирингли яллиғланиш мавжуд бўлган беморларда иммунитет танқислиги кузатилиб, барча параметрларда қўйидагича тасвирланди: лизоцим даражаси  $10,0 \pm 0,2$  мг% ни (меъёр  $18,0 \pm 0,5$  мг%); НФФ  $38,0 \pm 2,1$ % ни ташкил этган (меъёр  $59,1 \pm 2,6$ %); sIgA даражаси  $1,0 \pm 0,1$  г/л ташкил этган (меъёр  $2,0 \pm 0,1$  г/л). Юз-жағ соҳаси йирингли-яллиғланиш касалликларида маҳаллий ҳимоя омиллари кўрсаткичлари параметрлари ичида энг кўп ўзгаришлар НФФ кўрсаткичларида кузатилган. Йирингли-яллиғланиш касалликларида маҳаллий иммунитет омиллари кўрсаткичлари орасидаги тафовут шартли-патоген микроорганизмларнинг назоратсиз ўсиши ва дисбиозга олиб келган.



